

## ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

**Одина Вахобова**

Фарғона давлат университети талабаси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўзбек мусиқа санъатининг ўтмишда ва ҳозирги кунда халқимизнинг маънавий савиясини оширишдаги аҳамияти ҳамда янги Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида мусиқа санъати етакчи омиллардан бири эканлиги ва ўзбек мусиқа маданиятини шаклланиш жараёнлари илмий асослаб берилди.

**Калит сўзлар:** мусиқа, маданият, ижодий фаолият, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижрочилик санъати, анъана, маънавий мерос, мақом, дутор, ҳофиз, созанда ва бастакор.

### IMPORTANT ASPECTS OF UZBEK MUSICAL ART AND CULTURE

**Odina Vakhobova**

Student of Fergana State University

### ABSTRACT

This article scientifically substantiates the importance of Uzbek music in the past and present in raising the spiritual level of our people, as well as the fact that musical art is one of the leading factors in the social development of new Uzbekistan and scientifically substantiates the formation of Uzbek musical culture

**Keywords:** music, culture, creativity, national and universal values, performing arts, tradition, spiritual heritage, maqom, dutar, hafiz, musician and composer.

### КИРИШ

Бугунги кунда Ўзбекистонда мусиқа санъати ва маданиятини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилмоқда. Мусиқа маданиятининг турли йўналишлари бўйича ёш истеъодларни излаб топиш, уларнинг ижодий фаолиятини юксалтириш юзасидан ғамхўрлик қилиш муҳим аҳамиятга молик вазифалардан бирига айланди. "...Халқимизнинг маънавий савиясини ошириш,

ёш авлодни юксак инсоний ғоялар, она Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришда муסיқа санъатининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир”. Зеро, ўтмишдаги муסיқий ижрочилик анъаналарини тиклаш, замонавий шароитларда сақлаб қолиш, ўзбек миллий муסיқий асарлари ва созларини хорижий мамлакатларда намойиш этиш, муסיқа таълимида янги анъаналарни таркиб топтириш, халқ маънавий меросини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш, жамият ҳаётида муסיқа маданиятининг тутган ўрнини таҳлил этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбек халқининг муסיқа мероси бой анъаналарга ва қадимий тарихга эгадир. Унинг даврлар оша ривож, халқ муסיқаси ва мумтоз муסיқаси негизида ривож топиб келганлиги амалиётдан маълумдир. Муסיқа санъати инсониятнинг маънавий бойлиги, эстетик дунёқараши ва келажак камолотини белгиловчи мезонлардан бири сифатида ардоқланиб келинади. Унда ҳар бир халқнинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросим ва қадриятлари муносиб ўрин олган. Муסיқа ижрочилиги, халқ муסיқа маданиятининг шаклланиб, ривож топувчи жонли жараёни эканлиги ҳаммага маълум. Унинг намояндалари бўлмиш созанда, хонанда ва бастакорлар халқ маданиятининг ўзига хос мутасаддилари сифатида ардоқланиб келинган. Бу борада ўтмиш рисолаларда ҳам тарихий муаммолар зикр этиб келинган. Жумладан, Абу Наср Фаробийнинг “Катта муסיқа китоби”, Зайнуллобиддин Ҳусайнийнинг “Қонуни илми, амали муסיқи”, Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи муסיқий”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Дарвеш Али Чангийнинг “Муסיқий рисола”лари бунга ёрқин мисолдир.

Муסיқа маданияти тарихи мавзусига доир Собиқ Иттифок даврида яратилган асарлар кўлами ниҳоятда кенгдир. Улар орасида ўзбек халқ муסיқаси тарихини ўрганишда Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзода (Харратов)нинг 1925 йил Москвада араб алифбосида нашр этилган “Хоразм муסיқий тарихчаси” рисоласи муҳим аҳамиятга эга. Ушбу рисолада Хоразм муסיқачилари ижоди, Хива хонлиги ҳудудига Шашмақомнинг кириб келиши, Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг муסיқа санъатини ривожлантириш борасидаги ҳаракатлари ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Қирқ олти йилдан зиёд (1864–1910) ҳукумат тепасида турган шоир, бастакор ва муסיқийшунос Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1846–1910) ҳомийлиги

ва раҳнамолигида Хоразм Олти ярим мақоми бир бутун мажмуа сифатида хатга туширилди. XX асрнинг 20-йилларига келиб ноёб истеъдод соҳиби, закий шоир, созанда ва мусиқийшунос, қўли гул санъаткор Муҳаммад Комил Девоний (1887–1938) ўз салафлари ишини давом эттириб, худди шу нота ёзуви воситасида Хоразм мумтоз мусиқасининг қадимийроқ қатлами бўлмиш дутор мақомларининг етти туркумини куй ва сўз матнлари билан Олти ярим мақом (Танбур мақомлари)га қўшиб ёзиб олди. Хоразм мусиқашуносларининг жуда катта тарихий ва илмий аҳамиятга эга бўлган бу топиғи ўзбек мусиқаси тарихининг зарҳол саҳифаларидан биридир. Ўз даврида танбур чизғиларининг қайтадан кашф қилиниши замонавий ўзбек мақомшунослигининг янги босқичга кўтарилиб бораётгани далилидир. Кейинги йилларда мақомшунослик борасида жиддий изланишларга йўл очилди. Замонавий илмларга таянган янги авлод вакиллари майдонга чиқа бошлади. Шулар қаторида навқирон мақом устози Рустам Болтаев ва мусиқашунос Ботир Раҳимовларнинг номларини қайд этиш мумкин. Улар Хоразм танбур чизғилари устида узоқ йиллар илмий ва ижодий изланишлар олиб бориб, мазкур ёзувлардаги нота матнларини замонавий такт тизимига ўгиришга ва ижроларини тиклашга муяссар бўлдилар.

Ўз вақтида улуғ устозлар қўли билан битилган мўътабар нота ёзувларининг кенг илмий муомалага жорий этилиши умумбашарий миқёсга молик тадбирдир. Ваҳоланки, у бир вақтлар деярли узилиш арафасига етиб қолган жонли удумларнинг ворисийлик ришталарини тиклашдаги амалий аҳамияти билан бир қаторда, ўтмишнинг буюк мусиқашуносларидан мерос қолган илмий ютуқларни замонавий фан тараққиёти хизматига жалб этиш имкониятини ҳам туғдиради.

## НАТИЖАЛАР

Мусиқа санъатининг азалий анъаналари Шарқ халқлари маданиятида шаклланиб ривож топганлиги ҳамда бутун башариятга ижодий таъсир этганлиги, фанда ўз ижобатини топган. Шунингдек, ўзбек миллий мусиқа маданияти тарихини ўрганишда Абдурауф Фитратнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлиб, муаллифнинг мазкур масалага бағишланган асар ва мақолаларида ўзбек мумтоз мусиқаси, унинг услублари ва уларнинг турк, араб, форс мусиқаларидан фарқи, “Шарқ мусиқаси” назарияси ва унинг асослари тўғрисидаги таҳлилий фикр-мулоҳазалари баён этилади. Мусиқий рисоалар, одатда, назарий йўналишга қаратилган бўлади, ва уларда умумий қонун-қоидалар мавҳум риёзий тилда баён этилади. Ижодиётнинг нозик сифатлари, хусусан, эл-

элатларнинг куй ва ашулаларига хос жиҳатлар, кўпинча назарий қарашлардан ташқарида қолади. Шунинг учун қўшимча маълумотлар, гарчан асосий муסיқий рисолаларга нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлса ҳам, ўтмиш тарихини ўрганишда назарий қонун-қоидаларни тўлдириб, маълум давр муסיқий ҳаёти ҳақида кенгроқ ва атрофлича таассурот пайдо этиш имкониятини беради.

Ҳаёт тараққиёти жараёнларида, Ғарб маданиятининг ўзига хос камол топганлигини эса, ҳозирги замон муסיқа санъати кўлампидан илғаб олиш мушкул эмас. Бунинг негизида муסיқа санъати ва унинг ички унсурларини профессионалик даражада умумлашиш босқичларини ўташи, бу жараёнда мутаносиб товуш пардаларини уйғунлаштириш ҳамда барча баробар қабул қилишлари каби мезонлар, умумбашарият муסיқа санъатининг гўзал уйғунлашишига олиб келганлигини эотироф этиш лозимдир. Натижада, муסיқа санъати ижодиётида Ғарб муסיқа санъатига интилиш, ўхшатиш, маданиятига эргашиш каби муносабатлар юзага келди. Бунинг натижасида 1920-йилда Тошкент рус опера ва балет театри, вилоят муסיқали драма театрлари, 1926-йилда М.Қориёқубов раҳбарлигида ташкил топган “Ўзбек этнографик ансамбли” асосида 1929-йилда бунёдга келган “Ўзбекистон давлат муסיқали драма театри”, унинг асосида 1939-йили “Ўзбек давлат опера ва балет театри” ва “Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқали драма ва комедия театр”лари фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, Ўзбекистон давлат филармонияси таркибида “Ўзбекистон ашула ва рақс ансамбли”, “Дуторчи қизлар ансамбли”, “Тамарахоним ансамбли”, “Хоразм гармончи қизлар ансамбли”, “Симфоник оркестр”, “Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри”, “Хор акапелла жамоаси” каби ижрочи жамоалар замонавий ўзбек муסיқа маданиятини ривожлантириш жараёнида самарали хизмат қилдилар.

Ўзбек миллий муסיқа санъати узок тарихий йўлни босиб ўтди. Хусусан, XIX аср охири – XX аср бошларида кўлампидан, ижро йўллари, шакллари, мураккаблигига қараб анъанавий муסיқа санъати профессионал муסיқа асарлари (мақом, катта ашула, дostonчилик) ва халқ куйларига (лапар, ялла, қўшиқ, ашула) бўлинган. XX аср бошларида ўзбек муסיқаси санъатига алоҳида эътибор билан ёндошилган. XX асрнинг илк йилларида Ўзбекистонда сиёсий-ижтимоий ва маданий муҳитнинг ўзи янгилашиш шароитлари билан характерланади. Марказий Осиёда жадиличлик ҳаракати, улуғ намояндалари ва уларнинг ижодий фаолияти алоҳида аҳамиятлидир. Бунда, Европа услубдаги миллий театрларнинг бунёдга келиши ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Бунда

Маҳмудхўжа Бехбудий, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Тавалло, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ва Абдулла Шакурий каби намояндаларининг ижодий фаолиятлари алоҳида аҳамиятлидир. Бундан кўринадики, бу даврда ўзбек халқи мусиқа санъати намояндalари фаолияти икки йўналишда ривожланган. Мумтоз мусиқа намуналари асосан етук ҳофиз, созанда ва бастакорлар томонидан яратилиб, ўзининг жанрлари ва ижро анъаналари мураккаблиги туфайли мақомчилик санъати ва дostonчилик ижро услублари, мактаблари билан ажралиб туради.

Ўзбек халқ мумтоз мусиқаси ўзининг мукамаллиги ва мураккаблиги билан бошқа халқлар орасида алоҳида ўринга эгадир. Мумтоз мусиқанинг энг йирик шакли мақомлардир. Мақомлар Ўзбекистоннинг уч воҳасида мавжуд бўлиб, Бухорода “Шашмақом”, Хоразмда “Хоразм мақомлари”, Фарғона водийсида “Фарғона-Тошкент мақом йўллари” деб юритилган. Бундан ташқари, мақомлар йўлларида яратилган, шаклан ва ижровий хусусиятлари доираси мақомларга хос бўлган “Сувора”лар, Катта ашула, Сурнай мақом йўллари, дутор мақомлари ҳамда чолғу йўллари мавжуддир. Мумтоз мусиқанинг шаклан муқимлиги, қонун қоидаларга эгаллиги, талқин услубларининг мавжудлиги унинг мураккаблигидан далолат беради. Мақомлар Шарқ халқларининг жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган мусиқа жанрларидан бири сифатида мусиқа меросида жуда муҳим ўринни эгаллайди.

Ўз даврида Бухоро амири саройида мақомларга жуда катта қизиқиш билан қаралган. Амир Саид Олимхон мақом мусиқасини юксак даражада қадрлаган, ўзи ҳам дутор чалишда моҳир бўлган. Анъаналарга кўра, амирликда халқ мусиқачилари орасидан иқтидорли болалар танлаб олиниб, тажрибали мусиқачилар қўлига топширилган. Масалан, Бухоронинг машҳур мақом усталари Уста Шоди Азизов, Бобоқул Файзуллаев, Шохназар Соҳибов кабилар сарой мусиқачилари қўлида таълим олганликлари фикримизнинг далилидир.

Тошкент ва Фарғона водийсида ҳам мумтоз мусиқанинг маълум вариантлари юзага келди. Ушбу йўналиш асосан катта ашула йўлларида иборат бўлган. Ашурали Ҳофиз, Мирза Қосим Ҳофиз, Мўминжон Ҳофиз, Мўйдин Ҳожи, Беркинбой Файзиев, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ғанижон Мирзаев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Турғун Каримовлар мазкур йўналишда моҳир ижрочилари бўлганлар. Фарғона водийсида маҳаллий ижрочилик мактаблари ҳам шакланган бўлиб, улар орасида айниқса, Қўқон, Марғилон, Бешариқ каби ижрочилик мактаблари ўз даврида жуда машҳур бўлган.

## МУҲОКАМА

XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразм воҳаси ўзбек мусиқа санъатида ўзининг ижрочилик ва хонандалик анъаналари билан анча машҳур бўлган. Воҳада мақом ижрочилиги дoston йўллари, халқ оммавий кўшиқлари ўз йўналишлари доирасида ривожланган. Бу даврда Хоразмда Комил Хоразмий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Ниёзжон Хўжа каби машҳур бастакорлар ижод қилишган.

XX аср бошларида Туркистоннинг деярли барча шаҳарларида жадидларнинг ҳаваскорлик тўғараклари ва миллий театрлари ташкил топди. 1911-1917 йиллар давомида 20 га яқин пьесалар ёзилди. К.Нусратиллаевнинг “Тўй”, Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Хўжа Муиннинг “Эски ва янги мактаб”, А.Бодрининг “Аҳмоқ” пьесалари шу даврда яратилган.

## ХУЛОСА

Хуллас, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркистон, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида мусиқа санъатида жиддий ўзгаришлар ва янгилашнишлар юз берди. Европалик мусиқа билимдонлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида мумтоз мусиқа ва халқ оғзаки намуналарини ўрганиш ва уларни ноталаштириш, халқ мусиқа чолғуларини тўплашга эътибор қаратди. Туркистон шаҳарларида мусиқий жамиятлар тузилиб, ҳаваскорлар жалб этилди. Рус мусиқа билимдонлари томонидан ўзбек халқ кўшиқларини ўрганилиши, уларнинг ноталаштирилиши, хориж матбуотида нашр этирилиши каби ҳолатлар ўз даврида мусиқа санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшди. Айни пайтда, Бухоро ва Хоразм ҳудудида ҳамда Фарғона водийсида ўзбек мусиқа санъати анъаналарини сақлаб қолиш учун зарурий чора-тадбирларнинг олиб борилиши ўзбек мумтоз мусиқаси анъаналарининг ривожланишига хизмат қилади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги “Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3212-сонли қарори (Электрон ресурс) // [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
2. Зияева Д. Х. Ўзбекистон шаҳарлари XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида: шаҳар маданияти ва урбанизация жараёнлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – Б.370.

3. Ризаев Ш. Ўзбек драматургияси ва театрининг асосчиси // Театр, 2006, №1. – Б.10-12.
4. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16(2), 55-59.
5. Сиддиков, И. Б. (2018). Социально-философские аспекты формирования интеллектуальной культуры МОЛОДЁЖИ. *Theoretical & Applied Science*, (1), 61-66.
6. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
7. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
8. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in uzbekistan and the world.
9. Gulomov, A. B. (2020, December). Uzbek Jadid Thinker Abdulla Avloni's Viewpoints On Concerning Relationship Between Man And Nature. In *international scientific and current research conferences* (pp. 45-47).
10. Gulomov, A. (2019). Participation and role of uzbekistan in finding solutions to global environmental problems. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(5), 152-156.
11. Siddikov, I., & Gulomov, A. (2020). Philosophical and psychological features of the formation of asertive behavior in the development of cognitive activity. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 38-42).4
12. Mirzarahimov, B. (2019). The factor of good neighborhood and tourism development (Philosophical analysis). *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(1), 140-145.
13. Mirzarakhimov, B. (2020). Tourism-is a modern means of aesthetic education. *Вестник педагогики: наука и практика*, (51), 135-136.
14. Madimarovna, A. I., & Khoshimovich, M. B. (2020). Factors for the development of tourism culture in the uzbek national value system. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 575-580.
15. Мирзарахимов, Б. Х. (2019). Культура туризма как стратегия развития книговедения. in *перспективные области развития науки и технологий* (pp. 57-58).
16. YULDASHEV, S. U. (2019). Technology of social and cultural projection in

scientific management of society. theoretical & applied science, (11), 621-623.

17. Mamatov, M., Isomiddinov, A., & Yuldashev, S. (2019). Factors of Developing the Intellectual Abilities of the Youth. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 16(2), 311-313.
18. Yuldashev, S. U. (2019). The role of the function of stabilization and development of society in scientific management (as socio-cultural technology). *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 255-259.
19. Yuldashev, S. (2020). Socio-Cultural Technologies in Uzbekistan: History and Now. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 18(1), 171-173.
20. Yuldashev, S. U. (2019). The role of socio-cultural technologies in society. *scientific bulletin of namangan state university*, 1(10), 187-192.
20. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in uzbekistan and the world.
21. Siddikov, I., & Gulomov, A. (2020). Philosophical and psychological features of the formation of asertive behavior in the development of cognitive activity. In *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества* (pp. 38-42).
22. Odilovna, A. N. (2020). In *The Studies Of The Late XIX And Early XX Centuries Issues Of Silk Factory Of Turkestan Region*. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 391-395.